ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ИХТИСОСИЙ ЎҚИТИШГА ЭЪТИБОР

Н.Д.ШИРИНОВА

В статье специализированное обучение английского языка рассматривается как инновационный продуктивный метод подготовки кадров.

Specialized teaching of English as modern innovative and productive method of staff preparation is learned in the article.

Миллий истиқлолимиз шарофати билан таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган ҳамда юртимизнинг порлоқ истиқболини таъминлай оладиган малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилган ҳамда шу вазифа йўлида қатор чора-тадбирлар собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этилаётган бир паллада ОТМларида мутахассис тайёрлашнинг, хусусан, филолог-мутахассис етиштиришнинг муҳим омили – ихтисосий ўқитишга эътиборни кучайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат эканлиги шубҳ-

асиздир. Бунда кўплаб жиддий илмий изланишлар ва тадқиқотлар манбаига айланган [1,2] ҳамда педагог-дидактларимиз ва услубиётчиларимизнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлаётган – **илм олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, уларни фанга қизиқтириш ва шу орқали комил инсонни тарбиялаш** муаммосини ҳал қилиш вазифаси турганлиги намоён бўлади.

Юртимиз ўқув муассасаларида шу муаммони ҳал қилиш йўлида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ўқув амалиётига татбиқ этилмоқда. Хусусан, Бухоро давлат университети филология йўналиши таълимида шу мақсадга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, филология йўналиши магистратура талабалари учун “Лингвистик тадқиқ методикаси, методологияси ва методлари” ҳамда “Тилшуносликнинг фалсафий масалалари” ўқув фанлари ташкил қилиниб, ўқув қўлланмалари ва мажмуалар тузилган [3]. Магистратура ўқув режасининг биринчи блокидан ўрин олган “Илмий тадқиқ методикаси” ҳамда “Фаннинг фалсафий масалалари” дея ўта умумий номланган ўқув фанларини “Лингвистик тадқиқ методикаси, методологияси ва методлари” ҳамда “Тилшуносликнинг фалсафий масалалари” деб муайянлаштирган ҳолда номлаб, янги мазмунда ўқитишнинг моҳияти фалсафий масалаларни ҳар бир фан, соҳа ва **ихтисослик доирасида ўқитмоқ,** энг муҳими, шу фан ҳодисаларини диалектик қонуниятлар, тамойиллар ва бирликлар ичра умумийлаштириш, хусусийликлар асосида умумийликни, шакл ичра мазмунни, оқибат ичра сабабни, “тажаллилар ичра зотни” топа олиш[4.6-7] (кўра олиш, оча олиш) кўникмаларини шакллантиришдир. Шу ўринда проф. Б.Менглиевнинг: “Фалсафий тадқиқотлар сирасида ҳам хусусий фалсафа (диалектика) шаклланиши, бунда умумдиалектик қонун ва категорияларнинг конкрет фанларда акс этишининг ўзига хосликлари текширилиши лозим. Бу билан эса очилган умумий қонуниятлар амалиётда текширилади ва тўлдирилиб мукаммаллаштирилади...”[5] - деган фикрларини эслатиб ўтиш жоиз.

Чиндан ҳам келажакда жиддий илмий ютуқларга эриша оладиган, ўз мутахассислигига алоқадор масалаларга объектив жиҳатдан ёндашиб, муайян қонуниятни оча оладиган ва шу орқали соҳага маълум бир янгилик, мавжуд муаммоларнинг ўзига хос ечимини таклиф ва татбиқ қила оладиган том маънодаги етук мутахассисни тайёрлашда фалсафа фанини айнан **ихтисослаштирилган ҳолда ўқитиш**нинг роли беқиёс. Бинобарин, оддийгина *дуруст* луғавий бирлигининг семантик хусусиятини тавсифлашнинг ўзи фалсафанинг уч асосий қонуни – қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши, инкорни инкор, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишидан бошланиб, шакл ва мазмун, улар орасидаги симметрия/асимметрия, предметлик, белги-хусусият, миқдор каби кўплаб фалсафий ва мантиқий тушунча ҳамда категориялар билан боғланиб кетади. Кўринадики, олий таълим муассасасида бўлажак тилшуносни мана шу каби тамойиллар билан қуроллантириш ва ўз лингвистик фаолияти, изланишларида шу “қуроллар”ни ишга солишни ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Бухоро давлат университетида ихтисосий ўқитишга эътиборнинг кучлилиги яна шунда ҳам намоён бўладики, ўзбек филологияси 4-курс бакалавр талабалари ўқув режасига 50 соатга мўлжалланган янги ўқув фани – **“Ўзбекшунослик матнлари инглиз тилида” (ЎМИТ)** киритилди. Бу курснинг асосий мақсади ўзбек филологиясини битирувчи талабаларимизнинг ўз ихтисосликлари бўйича билимларини инглиз тилида мустаҳкамлаш ҳамда инглиз тили амалий курси бўйича малакаларини чуқурлаштиришдан иборатдир. Дарс жараёнида талабалар ихтисосликларига оид инглизча матнлар устида чуқур ишлайдилар. Бунинг учун хорижий ва ватандош ўзбекшунос муаллифларимизнинг изланишларидан, турли луғат ва қомуслардаги мавзуга оид матнлардан, шунингдек, илмий ва бадиий таржималардан фойдаланилади. Масалан, “Uzbek linguistics” мавзуси юзасидан қуйидаги манбалардан фойдаланиш мумкин:

REFERENCES

Andrée F. Sjoberg.Uzbek Structural Grammar. The Hague, 1963.

András J. E. Bodrogligeti.Modern Literary Uzbek.Munich, Lincom 2002, 2 vols.

Edward Allworth. Uzbek Literary Politics. The Hague, Netherlands: Mouton and Co. 1964.

Hendrik Boeschoten. Uzbek. The Turkic Languages. London, New York: Rouiden & London, 1998, pp 257-279.

Karl A. Krippes.Uzbek-English dictionary. Kensington, Dunwoody 1996.

Khayrulla Ismatulla.Modern literary Uzbek. Bloomington, Indiana University Press, 1995.

Natalie Waterson.Uzbek–English dictionary. Oxford etc., Oxford University Press, 1980.

Nicolas Awde, William Dirks, Umida Khikmatillaeva. Uzbek dictionary and phrasebook. Hippocrene books. 2002.

William Fierman.Language planning and national development. The Uzbek experience. Berlin etc., de Gruyter, 1991.

LINKS

Uzbek on the Turkic Language Map: http://titus.uni-frankfurt.de/didact/karten/turk/turklm.htm

Language:

Uzbek Language Wikipedia:http://en.wikipedia.org/wiki/Uzbek_language

UCLA Language Materials Project: http://www.lmp.ucla.edu/Profile.aspx?LangID=70&menu=004

Uzbek Writing Systems:http://www.omniglot.com/writing/uzbek.htm

Orthographic Rules for the Uzbek Language:http://www.oxuscom.com/orthography.htm

Outline of Uzbek Grammar:http://www.oxuscom.com/grammar.htm

Келтирилган манбалардан олинган матнлар устида ишлаш жараёнида талабада нафақат инглизча матнни ўқиб тушуна олиш, балки ўзи эгаллаётган ихтисосликка оид материални бемалол, мустақил ҳолатда гапириб бериш, қўшимча ва изоҳлар киритиш, мунозарали ва қизиқарли суҳбатлар қуриш кўникмалари ҳам ҳосил қилинади. Масалан, Ж.Й.Сйобергнинг “Uzbek Structural Grammar” китобидан қуйидаги парчани олиб қарайлик [6.77-78]:

Derivation: Verbs from verbs.

Deverbal derivational prefinal suffixes are attached to simple verb stems or to verb stems derived from nouns, pronouns, adjectives, adverbs, conjunctions, and interjections. They differ from the derivational prefinal suffixes that form verbs from other word-classes in that: 1. each can, and frequently does, occur in combination with any others, and 2. they express voice. They are, in their most frequent order of occurrence: the causative-transitive voice formants, the passive and/or reflexive voice formants. /kel-/ `to come`: /kel-tir-/ `to bring`: /kel-tir-iš-/ `to bring together`: /kel-iš-tir-/ `to reconcile, cause to agree`.

Аслида ўзбек филологиясини битираётган 4-босқич талабаси бу каби лингвистик билим ва маълумотлар билан ўзбек тилида бўлса-да, албатта, танишган. Шунинг учун у дастлаб, хорижий тилда берилаётган мазкур ахборотларни ҳозиргача эгаллаган билимлари билан солиштириб боради, кейинги босқичда унда нафақат матнни тўлиқ тушуниш ва таржима қила олиш, балки ўзи биладиган, ҳозиргача эгаллаб улгурган билим ва маълумотларни ҳам илова қилган ҳолда тўлиқ ва мустақил етказиш, ижодий имкониятларини ишга солишдек кучли иштиёқ юзага келади. Демак, талаба деярли қийналмасдан ўз фикрини етказишга эришади, бу жараёнда муваффақият қозониш, эркин ва ижодий изланишга ҳаракат қилади. Ихтисосий матн устида ишлаш – унда ўз билимларини чархлаш, мустаҳкамлашгагина эмас, балки ўз-ўзига ишонч ҳиссини тарбиялаш ва фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Инглиз тилини ихтисосий ўқитишда ўқитувчининг педагогик тажрибаси ҳамда ҳар иккала тил (ўзбек ва инглиз) бўйича етарли даражада билим ва малакага эга бўлиши асосий роль ўйнайди. Бунда талабаларнинг фақатгина матн билан овора бўлиб қолмасдан, оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришлари, ўзаро фикр алмашишга ҳаракат қилишларига эришиш жуда муҳим.

Тил ўрганувчилар, айниқса, ўз ихтисосликларига оид бадиий матнлар устида ишлаганда жуда фаол бўлишади. Чунончи, ўзбек филологияси талабасига Алишер Навоий, Чўлпон, А.Қодирий каби мутафаккирларимизнинг барчамизга таниш мумтоз асарларини инглизчада мутолаа қилиш беҳад қизиқарли ва дилбар туюлади. Хусусан, таниқли ва истеъдодли мутаржим Аъзам Абидов томонидан юксак даражада таржима қилинган Э.Воҳидовнинг “Камтарлик ҳақида” шеърини танлаш мумкин[7]:

ABOUT MODESTY

Though the teapot is a proud
But it always bows to cup.
Thus why be such cocky, bold,
What for wanted hubris - sharp?

Be modest, simple, not to set foot -
In the step of pride, no up!
So the people kiss in good,
From the forehead of the cup.

Табиийки, Э.Воҳидовнинг барчамиз мактаб даврларданоқ ёддан биладиган, ҳаммага бирдай севимли ва таъсирчан бўлган, ўзбек миллатига хос фазилатлардан бўлмиш камтарлик тараннумига бағишланган ўзбек тилидаги машҳур мисралари талабалар онгида мудом оригинал тарзда сақланиб туради ва мазкур таржимавий вариантни мутолаа қилиш жараёнида тез ва осон англашилиб, хорижий тилга қизиқиш ва ҳурмат туйғусини оширади. Талабаларимизнинг инглиз тилидаги шеърни тушуниш ва ёд олиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади, инглиз тилида сўз тартиби, оҳанг, сўзларнинг оҳангдорлиги (қофия), пафосдорлиги каби адабиёт назариясига оид ҳодисалар бўйича ҳам муайян тасаввурлар бера олади. Тил ўрганувчилар нафақат хорижий тилда оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ривожлантириш кўникмасига, балки ўз мутахассислигига оид би-

лимларни янада мустаҳкамлаш ва чархлаш, энг эътиборлиси, эгалланган ихтисосий малакаларини ноанъанавий ва замонавий кўринишларда намоён қилиш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Бу эса хорижий тилда эркин ва ижодий мулоқот қилишни таъминлаш учунгина эмас, ўзбек лисоний тизими, тилшунослиги, адабиёти ва адабиётшунослиги соҳаларини чуқур эгаллаш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бўлажак ўзбек филологида ўз она тили, адабиёти, санъати ва маданияти, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром ҳисси тарбияланади.

Юқорида айтилганлар асосида хулоса қила оламизки, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, замонавий билим ва методлар билан қуролланган, бу билим ва методларидан ўз соҳасини ривожлантиришдек шарафли ишда фойдалана оладиган ҳар томонлама етук мутахассис филолог тайёрлашда **инглиз тилини ихтисосий ўқитиш мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади**.

Адабиётлар:

1. Ширинова Н.Д. Инглиз тили дарсларида академик лицей ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш.: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф.-Тошкент, 2006. - 23 б.
2. Жалолов Ж.Ж., Ширинова Н.Д., Илиева Л. Чет тил таълимида ақлий фаолиятни ўстириш // Филология масалалари. ЎзДЖТУ. - 2003. - №2. - Б. 60-64.
3. Ne`matov H., Hamroyeva Sh. Lingvistik tadqiq metodikasi, metodologiyasi va metodlari. - Buxoro, BuxDU, 2005. - 104 b.
4. Ne`matov H., Shirinova N. Tilshunoslikning falsafiy masalalari. - Buxoro, 2005. - 104 b.
5. Mengliyev B. Falsafa nechanchi o`rinda turadi? // Ma`rifat.- 2004.- 10-mart.
6. Andrée F. Sjoberg.Uzbek Structural Grammar. The Hague, 1963.
7. Navoi's Garden: http: //www.navoigarden.com /

Бухоро давлат университети
2011 йил 20 сентябрда қабул қилинган